Ушбу сонда:

2 *Бунга ким айбдор?* БИР ОИЛА ФОЖЕАСИ

3 ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 25 октябр, шанба № 166 (1591)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ

Пойтахтимизда Япония ҳукуматининг кичик кўламдаги ижтимоий соҳаларга беғараз ёрдами йўналишида «Собир Раҳимов тумани 196-ўрта мактабни таъмирлаш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш» лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Лойиҳа 2002 йил 15 ноябрда Японияннинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан мазкур мактаб ўртасида имзоланган грант-битим асосида амалга оширилди.

Лойиҳага кўра, Япония ҳукумати томонидан ажратилган саксон бир минг тўрт юз олтмиш саккиз АҚШ доллари миқдоридаги маблағ мактаб биносини таъмирлаш ишларига ҳамда мебел, спорт анжомлари, компьютерлар ва бошқа зарур техникавий ускуналар сотиб олишга сарфланди.

Лойиҳа тақдимоти маросимида Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато иштирок этди.

(ЎзА)

Нодавлат нотижорат ташкилотларида

«САХОВАТ»ГА МИННАТДОРЧИЛИК ХАТЛАРИ

Янгиариқ-Орол бўйи ҳудудида жойлашган экологик жиҳатдан мураккаб шароитдаги тумандир. Атроф-муҳитнинг инсон организми учун зарарли моддалар билан «бойиши», темир, фтор каби саломатлик учун зарур бўлган моддаларнинг етишмаслиги сабаб, баъзи муаммолар юзага келмоқда. Дунё миқёсида авж олиб бораётган камқонлик, вирусли гепатит, ошқозон-ичак, жигар, юрак касалликлари кўпаймоқда. Бу касалликлар асосан аёллар, хусусан,туғиш ёшидаги аёллар ва болалар орасида кўпроқ учрайди. Шу боис Президентимиз ва Ҳукуматимиз аҳолини жумладан, аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлаш ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида бир қанча фармонлару, қарорларни эълон қилди. Бунга дахлдор ва масъул ташкилот, муассасалар тадбирлар тузиб, уларни амалга оширяптилар. Хайрли ишлар ўз самарасини бермоқда.

Мамлакатимизда инсон саломатлиги ҳар нарсадан устун қўйилгани боис, бу ишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шундай нодавлат нотижорат ташкилотлардан бири 2002 йил 26 апрелдан Хоразм вилоятида ўз фаолиятини бошлаган «Саховат» аёллар марказидир. Марказ асосчиси ва ижрочи аъзоси Раҳима Абдуллаеванинг саъй-ҳаракатлари билан туманда аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида талайгина хайрли ишлар амалга оширилди. Марказнинг лойиҳаси «Соғлом ҳамжамиятлар» грант дастури мусобақаси ғолиби бўлиб, Американинг «Юсайд» агентлигига қарашли Каунтерпарт Консорциум ва «ЗДРАВ ПЛЮС» ташкилотлари дастурлари асосида тумандаги «Истиқлол» маҳалласида шу йилнинг июн-сентябр ойларида амалга оширилди.

– Лойиҳа аҳоли саломатлигини тиббий билимларини оширишга қаратилган, – дейди марказ раҳбари Р.Абдуллаева, – мақсад кўпгина касалликлар қатори камқонликнинг олдини олиш. Бу ишда Янгиариқ тумани ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Янгиариқ қишлоқ фуқаролар йиғини, туман соғлиқни сақлаш бўлими елкадош бўлишди.

«Саховат»нинг «Истиқлол»даги фаолияти давомида 10 дан ортиқ мавзуларда семинар-машғулотлар ўтказилди. Машғулотларда 16-49 ёшдаги фуқаролар қатнашиб, камқонликнинг олдини олиш борасидаги билимларини оширдилар. Шифокор гематолог Ҳожарбиби Қаландарова, шифокор диетолог Гулбаҳор Саидоваларнинг машғулотлари маҳалла аҳолиси учун жуда қизиқарли ва таъсирчан бўлди. Машғулотлар жараёнини Каунтерпарт Консорциуми маблағ билан таъминлаган бўлса, «ЗДРАВ ПЛЮС» услубий ва техникавий ёрдам берди, марказ фаолиятига доир брошюра, буклет, видеофильм («Аччиқ ҳақиқат») тайёрлади ва қатнашчиларга тақдим этилди.

«Эл соғлиги – юрт бойлиги», дейди халқимиз. «Саховат»нинг бугунги фаолиятидан аҳоли мамнун. Маълумотлардан олган таассуротлари ва камқонликнинг олдини олишда ўрганган билимлари учун марказ раҳбариятига миннатдорчилик хатлари келиб турибди.

Бу нодавлат нотижорат марказининг бугунги фаолиятидан қониқаётган аҳоли унинг келажакдаги ишларига муваффақият тиламоқда.

Султон АВЕЗОВ,
Хоразм



1964 йилнинг феврал ойида Сирдарё вилоят электр тармоқлари корхонаси ташкил этилди. Йиллар ўтиб, бу корхонанинг имкониятлари кенгайди, янги-янги подстанциялар, тармоқлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳозирда Гулистон шаҳрида аҳолини ва муҳим объектларни электр энергия билан узвий таъминлаш учун кабел тармоқларини ҳаво тармоқларига ўтказиш ишлари бажарилмоқда. 2003-2004 йил куз, қиш мавсумига тайёргарлик бошлаб юборилган.

Суратда: электрочилангар М.Ғозиев.

И.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур қўмита раиси Ў.Ҳошимов бошқарган йиғилишда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг Фарғона вилоятидаги ижросига оид масала муҳокама этилди.

Ушбу қонун ижросини таъминлаш борасида вилоятда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Фарғона - оммавий ахборот воситалари кенг ривожланган вилоят. Бугунги кунда вилоятда 72 номдаги газета чоп этилмоқда. Уларнинг кўпчилиги нодавлат ва тармоқ газеталаридир. Газеталарнинг барчаси офсет усулида босилмоқда. Мавзулари ҳам рангбаранг. Фарғона, Марғилон, Қўқон телевидениеси ишлаб турибди. Сўх туманида тожик тилида эфирга чиқувчи телеканал бор.

Қамчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, айрим теле ва радиоканалларда берилаётган кўрсатув ва эшиттиришлар, газеталарда чоп этилаётган материалларнинг сифат ва савияси пастлигича қолмоқда. Бундай нуқсонларни тузатиш учун ижодкорлар мамлакатимизда журналистлик фаолият учун яратилган кенг шароитдан самаралироқ фойдаланмоқлари зарур.

(ЎзА)

Фазилат

ҲАММА ШУНДАЙ ЯШАСА

Ҳусанбой Салимохунов 2000 йили шаҳар марказидаги «Оталар чойхонаси»нинг бир хонасини олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Кандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланди. Кейинчалик ўз фаолиятини ривожлантира бориб, туман коммунал хўжалик бўлимига қарашли ташландиқ ҳолга келиб қолган бинони таъмирлаб, ажойиб цех ташкил этди. Ҳозир бу ерда илгари ишсиз бўлган кишилар, шу жумладан, 8 нафар судланиб, сўнг ўз йўлини топиб олган ёшлар меҳнат қилишяпти.

Ҳусанбой Салимохуновнинг фазилатларидан бири саховатпешаликдир. У кам таъминланган, ночор оилаларга, қарамоғида ҳеч кими йўқ қарияларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиб келмоқда. Жумладан, иш жойидаги Наврўз маҳалласига 355 минг сўмлик, ўзи оила аъзолари билан яшаб турган янги маҳалла фуқаролар йиғинига 230 минг сўмлик ёрдам берди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида 2-вилоят ногирон болаларни даволаш ва ўқитиш санаторийси тарбияланувчиларига байрам совғалари топширди.

Ҳусанбой Адҳамжон Умаралиев номли 43-ўрта мактабни таъмирлашга 1 тонна алебастер, 20 тонна асфальт етказиб бериш билан ёрдам берди. 7 нафар ночор, кам таъминланган оилаларнинг ҳар бирига ойига 10 минг сўмдан пулни «Маҳалла» жамғармасига ўтказиб бермоқда. 3 нафар оилани квартира билан таъминлаб, ижара ҳақини ўз ҳисобидан тўлаяпти. Ҳусанбой яқинда новвойхона қурди. Кам таъминланган оилаларда бирор маросим бўлиб қолса, 1 ёки 2 қоп унни бепул ёптириб беряпти.

А.ЭРАЛИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўккизинчи сессиясидаги маърузасида суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати масаласи алоҳида диққат-эътибор талаб қилишини таъкидлаган эди. Зеро, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳар бир фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва меъёрлар оммавий ахборот воситаларида ёритилиб, аҳолига таништириб борилиши зарур.

СУД ҲОКИМИЯТИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Маърузада баён этилган вазифа ва қоидаларни кенг ёритиш бўйича белгиланган дастурга мувофиқ Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎзА, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ва бошқа мутасадди идоралар ҳамкорликда 2002 йилнинг IV чорагидан буён долзарб муаммолар юзасидан мунтазам равишда илмий-амалий конференция, халқаро семинар ва давра суҳбатлари уюштириб келмоқда.

Суд ҳокимияти фаолиятидаги самарадорлик, судларда кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши суриштирув, тергов, суд жараёни устидан халқ назоратини янада кучайтиради. Амалда уларнинг ижроси қай аҳволдалигини билдиради.

Конституциявий судда бўлиб ўтган суд ҳокимияти фаолияти самарадорлиги масалаларини ва судларда кўрилган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишидаги муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган давра суҳбатида шу ҳақда гап борди.

Конституциявий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган ушбу тадбирда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура ҳамда Ички ишлар вазирлиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

СУВ КЕЛТИРГАН КАМ БЎЛМАС

Халқимизда «сув келтирган азиз», деган нақл бор. Қадим-қадимларда ҳам ана шу ақидага қатъий амал қилинган, авлоддан-авлодга ўтган

Сир эмас, тоза ичимлик суви бугун бутун дунё аҳлини жиддий бош қотиришга мажбур қилган долзарб муаммога айланди. Маълумотларга қараганда, ер юзидаги мавжуд сув заҳираларининг 2,5 фоизигина ичишга яроқли. Унинг ҳам 4,7 фоизи музлик ҳолатидадир. Эътироф этиш жоизки, республикамизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қишлоқларга эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун янгиянги сув манбалари излаб топилмоқда. Жойларда артезиан қудуқлари қазилиб, уларни мунтазам ишлашини таъминлаш учун катта сарф-харажатлар қилинмоқда. Бундай савобли иш билан, хусусан, Бағдод туманида Жаҳонгир Мадаминов бошчилигидаги «Зилол сув» фирмаси шуғулланиб келмоқда. Бугунги кунда бу ерда 16 нафар малакали мутахассислар фаолият кўрсатаётир. Мутахассислар бурғулаш, сув чиқариш, ичимлик суви учун артезиан қудуқлари қазиш ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш билан бир қаторда туманлар ҳамда қўшни вилоятлар учун ҳам хизмат кўрсатаяпти.

Ишчи-ходимларнинг саъй-ҳаракатлари, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишлари самараси ўлароқ, 2003 йилнинг 9 ойи давомида 62 миллион 665 минг сўмлик иш бажарилди. Бу эса ишчиларнинг моддий имкониятларини қаноатлантирди. Ўртача ойлик маош 30 минг сўмни ташкил этади. Фирмада 1 та катта станок, 2 та электростанция, 2 та компрессор ҳамда бир нечта фаолият учун зарур бўлган асбоб-ускуналар мавжуд.

Бу ерда ижтимоий ҳимоя ҳамда ҳомийлик ёрдамларига ҳам эътибор катта. Ишчи ва мутахассислар-нинг оилавий шароитига қараб турилади. Бағдод туманидаги 100 га яқин янги оилаларга Ўрикзор маҳалласидан уй-жойлар берилди. Аҳоли учун, албатта биринчи навбатда ичимлик суви, электр энергия ҳамда табиий газ зарур. Бу ердаги маҳаллани аҳволини инобатга олган «Зилол сув» фирмаси ўз ҳисобидан улар учун 6 та кўчага артезиан қудуғи қазиб берди. Бу савобли ишдан отаоналар, фахрийлар, айниқса, ёш болаларнинг қувончлари ичларига сиғмади. Республикамизда биринчилардан бўлиб, фаолият кўрсатаётган фирма Фарғона, Андижон, Наманган ҳамда Сирдарё вилоятларидаги қишлоқлар аҳолисига ёрдам кўрсатмоқда. Яна бир гап — фирма раҳбарининг ташаббускорлиги боис 2002 йилда ўтказилган «Энг яхши солиқ тўловчи» танловида совриндор бўлди.

Ҳ.ҚОДИРОВ,
«Ишонч» мухбири

Қонун барчага баробар

Ҳаётимиз она табиат билан чамбарчас боғлиқ. Уни авайлаб-асраб, бебаҳо бойликни келажак авлодга қандай бўлса шундайлигича етказиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Тўкис ҳаётга интилиш, аввало, табиатни асрашдан бошланади, деган гапнинг маъноси катта. Муҳим вазифа табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари зиммасига юклатилган. Мутасаддиларга юридик ва жисмоний шахсларнинг бу борадаги фаолиятини назорат қилиш ваколати, қонунбузарларни жавобгарликка тортиш ҳуқуқи берилган. Бахтга қарши Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари ўз вазифаларини кўнгилдагидек бажаришмаяпти.

ТАБИАТГА ЗАРАР ЕТКАЗАЁТГАН КИМ?

Прокуратура идоралари томонидан ўтказилган текширишларда, ушбу қўмитанинг раҳбару мутахассислари фаолиятида қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Асосий касал масалага бир ёқлама ёндошишда, ўзибўларчилик ва муросасозликдадир. Жумладан, Жумақум карерида, кимё тозалаш заводининг иншоотида бирор марта ҳам текшириш ўтказилмаган. Атроф-муҳитга чиқинди газлар чиқарилиши ҳолати бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам етарли эмас. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, табиатни муҳофаза қилишга оид қонунлар бузилиши фуқаролар томонидан кўпроқ ўрмонлар ҳамда тоғ ҳудудларида содир этилмоқда. Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси негадир дарахтларни сақлаш билангина машғул бўлаяпти, холос. Прокуратура аралашуви билан яшил бойликка зарар еказган 18 шахсга нисбатан интизомий жазо, 19 шахсга нисбатан маъмурий чоралар қўлланилди. 15 нафар айбдор моддий жавобгарликка тортилди.

Ёввойи ҳайвонларни овлаш, уларни республика ҳудудидан олиб чиқиб кетиш устидан деярли назорат ўрнатилмаганлиги ташвиш уйғотади. Бир мисол. Булунғур тумани ҳудудидан 50 та Гюрза илонини овлаш учун «Венемед» хусусий фирма директори Набиевга республика «Давбионазорат» инспекцияси томонидан рухсат берилган. Лекин рухсатномада илон овлаш вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бевосита назоратида амалга оширилиши кўрсатилган бўлса-да, тадбиркор ўзи истаганича иш кўрган. У қанча илон овлаганини ҳеч ким билмайди. Бу каби ҳаракатлар ноёб саналмиш илон турларининг кескин камайиши ёки умуман йўқолиб кетишига олиб келмайдими?! Боз устига, фуқаро Азимов 40 дона Гюрза илони овлагани, Қудратов 40 тонна, Жиянов 80 тонна, Муҳитдинов эса 40 тонна ковул териб олгани негадир назоратдан четда қолган. Ходимларнинг малакаси, билими етарли деб бўлмайди. Улар фаолиятда палапартишликка йўл қўйишмоқда. Энг ёмони қонунбузилиш ҳоллари аниқланса-да, масала негадир охирига етказилмаган. Мисол учун, 2002 йил давомида 58 нафар кишига нисбатан қўлланилган 285 минг сўмлик маъмурий жарима ундирилмаган. Жорий йилнинг ўтган 7 ойида 2 миллион 199 минг сўмлик табиатга зарар етказилган бўлсада, ушбу тўловлар ҳам шу кунгача ундирилмасдан келинмоқда.

Қўмитанинг мансабдор шахслари, мутахассисларида касб маҳорати, масъулият ҳисси етишмаяпти, дейишимизнинг яна бир боиси, қатор ўринларда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари нотўғри малакаланган. Аниқроғи, қонунда белгиланганига нисбатан кам ёки кўп жарима солинган ҳолатлар кам эмас. Хусусан, 2003 йилнинг ўтган ойлар ичида 118 фуқарога нисбатан жазо чораси нотўғри қўлланилган. Қўмита нозири Т.Отажонов фуқаро С.Туркмановни балиқ урчиш даврида автотранспортда лукмаи ҳалолни ташигани учун, иккинчи бир нозир Ф.Абдуллаев эса фуқаро Ш.Рустамов балиқ пишириб сотганлиги учун уларни жаримага тортишган. Ҳолбуки, бундай хатти-ҳаракатлар жазога тортишга асос бўлиши қонунда назарда тутилмаган. Урчиш даврида балиқ овлаш бутунлай бошқа гап. Демак, қонунга риоя этилишини таъминлаш билан бирга қонунни тўғри қўллашни билиш ҳам бағоят муҳимдир.

С.ШОМУРОДОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими катта прокурори, Адлия кичик маслаҳатчиси

МЕҲРИБОНЛИК

Пойтахтимиздаги 20 та махсус мактаб ва интернат янги тиббий ускуналар, доривор воситалар ва витаминларни, Хўжайли ва Ғиждувон меҳрибонлик уйлари булардан ташқари, ичимлик сувни тозалаш фильтрларини олди. Инсонпарварлик ёрдами уларга «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармасида топширилди. Бу нарсаларни жамғармага доимий ҳамкорлар - «Hope for Children» (Буюк Британия) ва «AmeriCares» (АҚШ)дан жўнатган.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган ҳукумат қарорлари ва давлат дастурларини бажаришда фаол иштирок этаётганлиги хайрия ёрдамини топшириш маросимида таъкидланди. Айни пайтда ота-она меҳридан маҳрум бўлган ҳамда кўриш қобилияти паст болаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Уларнинг тўлақонли ривожланишини таъминлаш учун «Соғлом авлод учун» жамғармаси инсонпарварлик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кўплаб ҳамкорларини жалб этмоқда. Улар орасида мамлакатимиз корхона ва ташкилотлари, халқаро тузилмалар бор. Шу жумладан, «AmeriCares» билан доимий ҳамкорлик ўрнатилган.

(ЎзА)

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ХАЛҚАРО ТРИБУНАЛ ТАЛАБИ

Собиқ Югославияда содир этилган жиноятлар бўйича тузилган халқаро трибунал серб маъмурларидан жиноят қилган бир гуруҳ гуноҳкорларни қамаш ва Гаагага жўнатишни талаб қилди. Улар орасида Югославия армияси бош штаби бошлиғи генерал Н.Павкович, Приштин корпусининг собиқ қўмондони генерал В.Лазаревич, полиция генерали В.Жоржевич, шунингдек, Сербия ИИВ жамоатчилик хавфсизлиги бўйича бўлимнинг ҳозирги амалдаги бошлиғи, вазир ёрдамчиси С.Лукичлар бор.

Трибунал прокуратураси уларни Косово озодлик армиясига қарши жанг қилишда умуминсоний жиноятларни амалга оширишда айбламоқда. Зеро, улар уруш қилишда мавжуд қонунларни ҳамда маросимларни бузганлар. Натижада бир неча минг албан миллатига мансуб шахслар ўлдирилган, 800 минг киши эса ўз ерларидан бадарға қилинган. Эндиликда бош прокурор Карла Дель Понте бошлиқ адлия ходимлари уларнинг жиноятларини бўйниларига қўйиб беришлари керак.

ВИЗА ФОЙДА БЕРМАДИ

Польша маъмурлари яқинда Россия, Белоруссия, Украина фуқаролари учун мамлакатга киришларида визага эга бўлишлигини мажбурият тарзида амалга оширган эдилар. Бу тадбирдан олдин чегарадан йилига 3-6 миллион киши ўтар эди. Эндиликда Буг дарёси ҳудудига бир кеча-кундузда 2-3 нафар одам келмоқда. Брест шаҳридан Тересполгача, ГродноданКузниц Белостоцккача юрадиган электропоездларда ҳам йўловчилар деярли учрамаётир.

Виза тизимини жорий этиш мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир қилди, демоқдалар мутасадди ходимлар. Зеро, катталар учун 25 ЕВРО, 16 ёшгача бўлган ўсмирлар учун 12,5 ЕВРО тўлаш малол келмоқда.

«НОРД-ОСТ» ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРЛАНДИ

Маълумки, роппа-роса бир йил муқаддам Москванинг Дубровкадаги театр майдонида катта фожеа юз берган эди. Унда чеченистонлик бир гуруҳ террорчилар «Норд-ост» деб аталмиш концертга келган юзлаб томошабинларни гаровга олган эдилар. 23 дан 26 октябргача давом этган зулмкорликда 129 киши ҳалок бўлган эди. Уларнинг кўпчилиги қариялар, аёллар ва болалар эди.

Куни кеча Дубровкада «Норд-ост» қурбонлари хотирланди. Улар шаънига ёдгорлик рамзи сифатида белги ўрнатилди. «Терроризм қурбонлари хотирасига», деб ёзилган бронзадан ясалган тахтачаларда парвоз қилиб кетаётган турналар тасвирланди. Кун бўйи кўплаб одамлар гулчамбарлар келтирдилар, юзлаб шамчироқлар ёқилди. Қурбонларнинг яқинлари илтимосига биноан келажакда ҳалок бўлганларнинг номларини ёзиб қўйиш режалаштирилди.

ЯНГИ ТАРТИБ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Энди хитойлик ёшлар фуқаролик маъмурияти бўйича бюро (бизнинг ФҲДЁга ўхшаш идора) олдидаги шифохонада узоқ вақт сарғайиб, навбатда туришдан халос бўлдилар. Гап шундаки, октябр ойи ўрталарида ХХРнинг никоҳ тўғрисидаги қонунига ўзгартишлар киритилди. Унга биноан бундан буён ёш келин-қуёвлар мажбурий тиббий кўрикдан ўтишлари шарт эмас. Пекинлик профессор Яо Яннинг гапларига қараганда, «қонунга асосан мажбурий тартибот ихтиёрий таомил»га айланди.

ҒАРОЙИБ ҲУКМ

Туркиялик 15 яшар болакай пичоқ билан ҳужум қилиб, тенгқурини жароҳатлади. Унинг устидан суд бўлди. Ёшига қараганда уни қамаб бўлмас экан. Суд уни жазосиз қолдириш ҳам мумкин эмас, деб ҳисоблади ва ғаройиб ҳукм чиқарди: у эндиликда ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари мажбурий тарзда кутубхонага қатнайди, деб хабар берди «NEWSru/com».

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

ВАЪДА БЕРДИНГМИ – БАЖАР!

Таҳлил

Хизмат тақозоси билан баъзи бошланғич ташкилотларда бўлганимизда касаба уюшма қўмитаси корхона меҳнаткашларининг ижтимоий, ҳуқуқий ва меҳнат муҳофазасига ўта масъулият билан ёндошиб, фаолиятларини босқичма-босқич такомиллаштириб бораётгани кишини қувонтиради. Аксарият мана шундай жойларда клуб, кутубхона ҳамда спорт иншоотлари меҳнаткашларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказадиган масканга айланган. Амалга оширилаётган тадбирларнинг барчаси тармоқ келишувлари ҳамда жамоа шартномаларида ўз аксини топаётгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашидан олинган маълумотларга қараганда республика миқёсида тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмиталари ҳамда Вазирликлар, идоралар билан 91 та тармоқ келишувлари, вилоятлар миқёсида эса 400 та ҳудудий тармоқ келишувлари, вилоят ва туманлар миқёсида эса 270 та ҳудудий келишувлар қабул қилинган. Шу билан бирга 78 мингга яқин юридик мақомга эга бўлган корхона, муассаса ҳамда ташкилотларнинг 73 фоизида жамоа шартномалари қабул қилинган. Улар ёрдамида меҳнаткашлар ҳаётини фаровонлаштириш, шу жумладан, меҳнат шароитларини яхшилаш, иш ҳақини ўз вақтида берилиши, бандлик масаласи, ижтимоий имтиёзлар ҳамда кафолатлар тарзидаги қўшимча тўловлар тўлаш каби тадбирлар амалга оширилмоқда. Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, мавжуд соғломлаштириш иншоотларини тўлақонли фаолият кўрсатишларини таъминлаш масалалари ҳам айнан мана шу ҳужжатларда ўз аксини топмоқда.

Кўпгина бошланғич ташкилотларда жамоа шартномасининг 6 ойлик бажарилиши меҳнаткашлар иштирокида атрофлича муҳокамадан ўтказилди. Камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб олиш ҳамда ушбу муҳим ҳужжат бандларини ишчи-хизматчиларнинг таклиф-истаклари асосида бойитиб бориш муҳим аҳамиятга эга эканлигини жойларда тўғри тушуниб етишди.

Шу боисдан ҳам республика миқёсида қабул қилинган 91 та тармоқ келишувининг жорий йилнинг ярим йиллигини муҳокамаси кўпчилигида амалга оширилди. Бу тадбир Алоқа, автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмиталарида кўнгилдагидек амалга оширилди. Айрим жамоа келишувларининг муҳокамасини эса аввалдан белгиланганидек, йил якунида амалга ошириш режалаштирилган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, вилоятлар миқёсида 350 га яқин ҳудудий тармоқ келишувлари қабул қилинган бўлиб, уларнинг 215 тасида ярим йиллик муҳокама бўлиб ўтди. Бу кўрсаткич енгил саноат тармоғида 82, агросаноат мажмуида 80.2, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитасида эса 56.4 фоизни ташкил этди. Вилоят ва туманлар миқёсидаги имзоланган ҳудудий келишувларнинг 62 фоизида ярим йиллик муҳокама бўлиб ўтди.

Шуниси диққатга сазоворки, кўпгина бошланғич ташкилотларда бу тадбир анча жонли ўтди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, дастлабки маълумотлари кўра республикамизда юридик шахс мақомига эга бўлган 113 мингга яқин корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда 75 минг 738 та жамоа шартномаси қабул қилинган. Шундан 78 фоизида 6 ойлик муҳокама амалга оширилди.

Лекин ҳали жамоа шартномаларини қабул қилиш ҳамда бу муҳим ҳужжат билан ишлашни яхшилашда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар анчагина. Юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналарнинг 33 фоизида жамоа шартномалари қабул қилинмаганлиги фикримизни тасдиқлаб турибди. Тармоқ корхоналарини жамоа шартномалари билан қамраб олиш Алоқа, авиация ёқилғи-энергетика, таълим ва фан тармоқларида 100 фоиз кўрсаткичга эришилган бўлса, бу маданият ходимлари тармоғида 55,9, темирйўлчиларда эса 59 фоизни ташкил этади холос.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, жамоа шартномаларини олти ойлик муҳокамаси вақтида меҳнаткашлардан турли таклиф ҳамда эътирозлар тушмоқда. Шу жумладан, кўпгина иш берувчилар томонидан санитария-гигиена талаблари асосида хавфсиз иш шароитлари яратишга етарлича маблағ ажратилмаяпти. Жойларда жамоа шартномасининг муҳим банди ҳисобланган меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги юзасидан ўқувлар сабабсиз кечиктирилмоқда. Бундай камчилик Самарқанд вилоят енгил, маҳаллий, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма қўмитаси фаолиятида учрамоқда.

Ҳаммамизга маълумки ишчи-хизматчиларнинг моддий рағбатлантириш ишлаб чиқаришдаги муваффақиятни белгилайди. Лекин шунга қарамай кўпгина жойларда мана шу муҳим тадбирга етарли аҳамият берилмаяпти. Шу боисдан ҳам жойлардаги бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг етакчилари маъмурият билан ҳамкорликда 15 фоизлик рағбатлантириш пулларини берилишига алоҳида аҳамият қаратишлари зарур. Жамоа шартномаларининг ярим йиллик муҳокамаси чоғида баъзи жойларда иш ҳақининг ўз вақтида берилмаётганлиги ҳам жиддий эътирозларга сабаб бўлди.

Юқоридагилардан хулоса чиқариб шуни айтиш мумкинки ҳар бир жамоа шартномасининг бажарилишига жойлардаги раҳбарларнинг ҳам масъулиятини ошириш зарур. Чунки «Ваъда бердингми – бажар» қабилида иш тутсак, бу муҳим ҳужжатга меҳнаткашларнинг эътиқоди янада ошади.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

«Хонқиз» ширкати Фарғона туманида намунали хўжаликлардан ҳисобланади. Боиси, ҳар бир соҳада шартномавий режаларни ошиғи билан бажариб, мўмай даромад олишмоқда. Хусусан, наслчиликка ихтисослашган фермада ҳам 310 бош қорамол парваришланиб, шундан 90 таси соғин сигирларни ташкил этади. Ишчиларга барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда етиштирилаётган гўшт, сут маҳсулотлари салмоғи йил сайин ортиб боряпти.

Суратларда: 1.наслчилик хўжалиги бош зоотехниги Аҳмадали Акбаралиев мутахассис билан мулоқотда. 2.Илғор сут соғувчи Мавлуда Ахматова.

Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ВАРГАНЗА АНОРИ

Китоб туманидаги «Варганза» хўжалиги боғбонлари қарийб 40 йилдан буён анорчилик билан шуғулланади. Ривоят қилишларича бир замонлар ёш бола қаттиқ касал бўлиб қолади. Уни қанча даволатса ҳам тузалавермайди. Бир донишманднинг тавсияси билан анорнинг сувини ичиб дарддан фориғ бўлган экан.

Халқ табобатида анор шарбати, данаги, барги ҳамда пўстлоғида 72 хилдан ортиқ касалликларни даволовчи хислат аниқланган, деган гап бор. Пўстлоғида эса 30 фоиз ошловчи модда ва бирикмалар мавжудлиги айтилган.

Варганза хўжалиги боғбонлари ўтган йили 190 гектар майдондаги анорзорни парвариш қилиб, давлатга 984 тонна мева сотишганди. Анордан 106 миллион сўм даромад қилишиб, фойда ҳисобидан қишлоқлар ободонлаштирилди, 20 та кам таъминланган хонадонга, 15 нафар уруш қатнашчисига моддий ёрдам кўрсатилиб, ишчилар иш ҳақидан ташқари мўмайгина даромадли ҳам бўлишди.

Рустам Расулов, Бахтиёр Темиров, Ортиқ Ражабов, Жума Самадов каби боғбонлар 20-25 сотих майдондан 4-4,5 тоннадан ошириб ҳосил етиштиришди. Анорни қайта ишлашга ихтисослаштирилган қўшма корхона барпо этишга ҳам имкон яралди. Масалан, тумандаги Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси соҳага ихтисослаштирилиб ўтган мавсумда 50 тонна анорни қайта ишлади. Шунингдек, қўшма корхонада яна 40 нафар кишига янги ишчи ўрни шаклланди.

Даромад яхши бўлгач, тадбиркорлик қилиш учун ҳам имкониятлар очилавераркан. Жорий мавсумда хўжалик тасарруфидаги анорзорлар 840 та оилавий пудратчига бўлиб берилган. Дастлабки хомчўтларга қараганда ҳосил чўғи чакки эмас. Энг муҳими, хўжаликда янги ишчи ўринлари яратилаётганидадир. Пудрат усулига ўтиб иш бошлангач, ортиқча ишчи кучини кичик ва ўрта бизнес билан шуғуллантиришга ва шу йўл билан ўзини ўзи моддий таъминлашга имкон яралди. Масалан, сўнгги икки йил оралиғида барпо этилган тикиш-бичиш цехи, кулолчилик, маданий-маиший хизмат турларининг қуриб ишга туширилганлиги натижасида қарийб 70 нафар киши ишли бўлди.

Эндиликда боғбонлар йил сайин анорнинг ҳосилдорлиги ва навларини кўпайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Хўжалик бошқаруви раиси Исмат Мирзаевнинг таъкидлашича, кейинги йилларда улфий, бедона, аччиқ, қора-нордон, афғон ва бошқа навлар тури кўпайтирилмоқда.

Ишбилармонлик одамларни изланишга ва кам харажат қилиб, кўпроқ фойда олишга, шу йўл билан ўз-ўзини моддий таъминлашга ўргатмоқда. Шу ўринда мана бу фикрга эътибор қаратмоқчимиз. Хўжалик деҳқонлари илгари чириган, ёрилган анордан фойдалана олмай уни чиқитга чиқариб ташлашга мажбур эди. Қўшма корхона ишга тушгач, энди анордан чиқит чиқаришга ҳожат қолмади. Яъни, ишбилармонларнинг яратувчанлиги туфайли ҳосил юз фоиз истеъмолга яроқли ва сифатли қилиб аҳолига етказиб берилмоқда. Асосийси чиқитга барҳам берилганлиги боис ҳар йили ана шунинг ўзидан бир неча юз минг сўм иқтисод қилишга эришилди.

Меҳнатга муносабатнинг ўзгарганлиги хайрли ишларни рўёбга чиқаришга шароит туғдирмоқда. Хўжалик тасарруфидаги мактаб юз фоиз таъмирланиб, беш нафар аълочи ўқувчи стипендия билан таъминланган. Шунингдек, 900 минг сўмлик дарсликлар ўқувчиларга туҳфа этилди. 8 нафар қарамоғида ҳеч кими йўқ кишилар хўжалик оталиғида.

Жамоа аҳлининг келгуси режалари ҳам кўп. Жорий йил даромади ҳисобидан янги маҳалла гузари қуриш, кўчаларни асфальтлаб, ободонлаштириш ишларини янада такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Хайрулла ТЎРАЕВ

СУД ҲОКИМИЯТИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар мазмун-моҳияти, амалий натижаларини аҳолига етказишда оммавий ахборот воситалари ролини янада ошириш, хусусан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг ҳаётга жорий этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан охирги икки йилда 14 мингдан ортиқ шахс ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан яраштаниги ва етказилган зарарни қоплаганлиги учун жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Судланганларнинг 13 фоизига нисбатан жарима жазоси қўлланилди. Энг муҳими, судланганлар сони камайди, озодликдан маҳрум қилиш жазоси 34,7 фоизга тушди, 65,3 фоиз судланувчи маҳкумликдан бошқа енгилроқ жазога тортилди.

Мулк мусодарасига қаратилган амалиёт ўзгартирилди, судларга иқтисодий тоифадаги жиноятларга жазо тайинлашда етказилган зарарни қоплаш ҳолларида оғиридан енгилроқ жазо тайинлаш билан чегараланиш ҳуқуқи берилди.

Янгиликлардан яна бири, терговда бир ярим йил ҳибсда сақлаб туриш нормаси ўзгартирилди, 90 фоиздан зиёд терговдаги ишлар 2-3 ой ичида тугатилиши ва қонуний тўхтамга келиниши таъминланди, прокурор санкцияси билан қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш 50 фоизга камайди.

Энди фақат агрессия, геноцид, терроризм, оғир усулларда одам ўлдириш тоифасидаги жиноятлар учун судлар томонидан ўлим жазоси тайинланиши мумкин.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 сентябрда қабул қилган «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги Фармонини мамлакатимизда инсонпарварлик тамойилига амал қилишнинг ёрқин намунаси сифатида кўрсатиш мумкин. Мазкур ҳужжатга асосан бир неча юзлаб маҳбуслар амалда ўз оилалари билан бирлашади. Жазо эркин меҳнат жабҳасида ўталади.

Бу давлатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар умуминсоний, адолат ва қонунийлик принципларига асосида амалга оширилаётганидан далолатдир.

Тадбирда суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўзаро ҳамкорлик доирасининг кенгайиши суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига ижобий таъсир ўтказиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Бехзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

ҲАР ОДАМ ЎЗГА ОЛАМ

Дўстлик туманидаги «Янгиобод» қишлоқ фуқаролар йиғини 1975 йили ташкил этилган. Чўл қўйнидаги бу қишлоқда айни пайтда 3450 киши истиқомат қилмоқда. Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида А.Саркисов номли хўжалик жойлашган. Хўжалик ер майдонлари жорий йилдан бошлаб фермер хўжаликларига тақсимлаб берилди. Кишиларнинг яшаш тарзи йил сайин яхшиланиб бормоқда. Тўй-маъракалар ихчам ва файзли ўтказиляпти. Ҳар йили ўнлаб ҳовли тўйлари бўлиб турибди. Бундан 14 йил муқаддам хўжалик қўрғонида ҳашар йўли билан теракзор барпо этилганди. 2 гектар майдонда 10 минг тупдан зиёд терак қўчатлари парвариш қилинди. Икки-уч йилдирки, иморат қураётган кишиларга тераклар арзон нархларда сотилмоқда. Кам таъминланган оилаларга, ногирон, кекса кишиларга бепул берилаётир.

12 та кўчага обрўли, ташкилотчи кишилар оқсоқол этиб сайланган. Шунингдек, 7 та турли комиссиялар фаолият кўрсатмоқда. Улар билан ҳамкорликда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари изчил олиб борилаётир.

Қишлоқда оммавий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирлари ўтказиб турилибди. Масалан, «Балли қизлар», «Оила мустаҳкамлиги кимга боғлиқ?», «Ота-онам ва мен»,«Қайнонам жоним онам», «Намунали келин», «Энг озода кўча» кўрик-танловлари, турли спорт мусобақаларини ўтказиш одат тусига кирган.

- Ана шундай тадбирларни ўтказишга хўжалик касаба уюшма қўмитаси бош-қош бўлмоқда, - дейди «Янгиобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Барот Сайдуллаев. - Тадбирлар касаба уюшма қўмитасига қарашли маданият саройида ўтаяпти. Бу ерда кутубхона ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Касаба уюшма тадбир ғолибларини моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Исломжон Абдуллаев етакчилик қилаётган касаба уюшма қўмитасининг нуфузи ортиб бораётир. Хўжалик ва маҳаллада ўтказилаётган байрам ва тантаналар, оммавий тадбирларда касабақўмнинг ўрни сезилиб турибди. Хўжаликда ишлаб, нафақага чиққанларни, кам таъминланган оилаларни йўқлаб туриш касабақўм раиси учун одат тусига кирган. Ногирон ва ёлғиз кексалар оталиққа олинган. 14 нафар кишининг уйини таъмирлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш каби саховатли ишлар бошланғич ташкилот нуфузини оширди.

Айни кунларда пахтазорларда «оқ олтин»ни йиғиб-териб олиш қизғин давом этмоқда. Касабақўм саъй-ҳаракати билан 12 та дала шийпони таъмирланиб, жиҳозланган. Уларда пахтакорлар учун етарли шарт-шароит яратилган. Жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган. Терилган ҳар бир килограмм ҳосил учун 30 сўмдан ҳақ бериб борилаяпти. 2 мингга яқин фермер хўжалиги ишчилари ва маҳалла аҳолиси пахта йиғим-теримида жонбозлик кўрсатишаяпти.

Б.НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

«Пахта - 2003»

Хўжалик раиси кутубхона мудираси Мисқол Алимардонова ҳузурига келиб, тўғридан-тўғри мақсадга кўчди:

– Сизни яхши биламиз, ишингизни устасисиз. Бироқ менда бир таклиф бор. Пахтачиликда ҳам ўзингизни синаб кўрсангиз. Хўжалигимиздаги иккита қолоқ звенони бирлаштириб, ихтиёрингизга топширмоқчимиз. Қолаверса, пудратчилар ҳам ишни эплаб кетишингизга катта ишонч билдиришяпти.

ҒАНИМАТ ДАМ СУРАЙДИ ҚАДРИН

Мисқол опа аввалига анча иккиланди. Ўттиз йилдан ошиқ маданият соҳасида фаолият юритган кутубхоначига далада ишлаш қийин туюлди. Бироқ, ёшлигидан пахта далаларида меҳнат қилиб вояга етганлиги, қолаверса, тажрибали пахтакорларнинг қўллаб-қувватлаши бош пудратчилик жиловини қўлда маҳкам тутишида асқотди...

Мана тўрт йилдирки, у Сариосиё туманидаги Сафар Кассиров номли ширкат хўжалигида бош пудратчи бўлиб ишлаб келмоқда. Ойжамол Жобирова, Лола Нурова, Зулфия Турдиева сингари йигирмага яқин илғор пудратчиларга бош-қош. Пудратчилар ихтиёрида 65 гектар экин майдони мавжуд. Бу ер майдонларидан юқори ҳосил олишга эришилмоқда. Боиси, Мисқол опа ишни пудратчиларнинг, ҳар бир деҳқоннинг кўнглига қўл солиб, уларнинг дардини тинглашдан бошлади. Қолоқликнинг асл сабабларини пухта ўрганиб, уларни бартараф этишга ҳаракат қилди. Натижа эса ёмон бўлмади. Биринчи йилдаёқ давлатга пахта сотиш режаси 105 фоизга бажарилди. Кейинги йил эса бу мажбурият 124 фоизга уддаланди. Муваффақиятлардан руҳланган пудратчилар ўтган йили ҳар қачонгидан-да зўр иштиёқ билан меҳнат қилишди. Агротехника қоидаларига риоя қилинганлиги, ишнинг тўғри ташкил этилганлиги ўз самарасини бериб, улкан хирмон бунёд этилди. Режадан ортиқ 50 фоиз «оқ олтин» топширган пудратчиларнинг юзи ёруғ бўлди. Дарвоқе, шу йили Мисқол опанинг меҳнатлари муносиб баҳоланиб, «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

– Бу йил ҳам пайкалларимизда мўл ҳосил етиштиришга эришдик, - дейди биз билан суҳбатда бош пудратчи. – Гектарига 55 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. Насиб этса, режани 170 фоизга бажарамиз.

Дарҳақиқат, унинг гапларида жон бор. Айни кунларда мўл ҳосил етиштирилган пахта майдонларида иш қизғин. Юксак хирмон, мўл ҳосил дастурхонимиз тўкинлиги, ҳаётимиз фаровонлиги эканлигини яхши англаб етган пудратчилар астойдил меҳнат қилишмоқда. Ердан олтин ундираётган пудратчиларнинг эзгу мақсадлари амалга ошишига шубҳа йўқ.

Т.ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири

САМО ГЎЗАЛЛАРИ ТАНЛОВИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида борт кузатувчиси вазифасига қабул учун танлов ўтказилди. Унда 18-25 ёшли икки юз тўрт қиз иштирок этди.

- Танлов уч босқичда ўтказилди,- дейди компаниянинг борт кузатув хизмати бошлиғи ўринбосари Л.Я.Зеленская. - Даъвогарлар мамлакатимиз ва чет давлатларнинг тарихи, жуғрофий ўрни ҳақида етарлича билимга эга бўлиши шарт. Номзодларни саралашда уларнинг хулқи, ташқи кўриниши, соғлиги ва чет тилларни қай даражада билиши инобатга олинди.

Танловда ғолиб чиққан йигирма беш қиз авиакомпаниянинг ўқув курсида таълим олгач, самога парвоз қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

(ЎзА)

Бунга ким айбдор?

Бу кўнгилсиз воқеа қалбларни ларзага солди. Оддий бир эътиборсизлик, хушёрликни йўқотиш, ўзини муҳофаза қила билмаслик оқибатида тўрт киши оламдан бевақт кўз юмди. Умри азизларнинг ҳар бири оққўнгил, ҳаётда ўзидан нурли из колдириб яшаётган инсонлар эди.

БИР ОИЛА ФОЖЕАСИ

2-шаҳар тез тиббий ёрдам марказига 2-Шаршара кўчаси 40-уйда фалокат юз берганлигини хабар қилишди. Шу куни шифокор Б.Хўжакелдиев навбатчилик қиларди. Ҳамкасбларининг таърифлашларича, Баҳромжон ўз касбининг чинакам фидойиси, жонкуяр мутахассис эди. Воқеадан хабар топиши билан ёнига фелдшер Холмуҳаммад Назаровни олиб ёрдамга шошилди. Манзилга етиб борсаки, сўз билан таърифлаш мушкул бўлган манзаранинг устидан чиқди. Катта ҳовлининг кун чиқар томонида ковланган ва чиқинди ташлаш учун мўлжалланган тўрт метр чуқурликдаги ўранинг тубида уч киши ҳаракатсиз ётарди...

Ҳаётда шундай дақиқалар бўладики, инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун дақиқалар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Буни яхши англаган Баҳром Хўжакелдиев ортиқча ўйлаб ўтирмай бутун вужуди билан ёрдамга шошилди. Унинг бош мақсади бурчини бажариш эди. Кўргиликни қарангки, ўрага тушиши билан у ҳам жим бўлиб қолди. Ким билсин ўша сонияларда ўз жони ҳам ўзига кўринмай, бировларнинг мушкулини осон этишга шайланган шифокорнинг кўз ўнгидан жажжи қизчаси ва жигарбандлари ўтган бўлса не ажаб.

Маълум бўлишича, чиқинди тўла ўрада сероводород ҳосил бўлиб, инсон ҳаёти учун хавфли омилга айланганди. Эндиликда баъзи бировлар Б.Хўжакелдиевни вазиятни тўғри баҳолай олмаганликда, чуқурлик тубида заҳарли газ бўлиши мумкинлигини мутахассис сифатида яхши билиши кераклигини таъна сифатида айтишмоқда. Ҳаттоки, шу кунгача марҳумнинг оиласига товон пули ҳам тўланмабди.

Шифокор ҳаётини хавф остига қўйиб фелдшер Х.Назаровнинг: «қудуққа тушманг, заҳарли газ бўлиши мумкин» дея огоҳлантиришига қарамасдан оқ халатини ечиб, чуқур ичига қўйилган нарвон ёрдамида пастга туша бошлади. Уч кимса қимирламай ётарди. Баҳромжон режасини амалга оширишга улгурмади. Кутилмаганда хушидан кетиб пастга қулади.

Ҳаммаси оддий воқеадан бошланган экан. Оила бошлиғи Шокир Умрзоқовнинг таъкидлашича, хонадон эркаси Жаҳонгирнинг курткаси чуқурга тушиб кетган экан. Оиланинг бошқа бир аъзоси Мухторжон уни нарвон ёрдамида олиб чиқмоқчи бўлган. Бироқ қўлини чўзганча пастга қулаган. Бундан ҳабар топган келин Кифоятхон жон талвасасида ёрдамга ошиққан. У ҳам шу қўйга тушгач, унинг умрдоши Абдурауф ёрдамга шошилган...

Бир кунда юқорида таъкидланганидек, нозик дамларда ўзини қўлга олиб, ақл билан ҳаракат қила билмаслик, хушёрликни йўқотиш оқибатида тўрт киши ҳаёт билан видолашди. Фожеа юз бермаслиги мумкинмиди? Албатта! Бунинг учун биринчи навбатда Наманган вилоят ва шаҳар соғлиқни сақлаш идоралари, санитария-эпидемиология станцияларининг ходимлари жойларда тез-тез бўлиб, тарғибот-ташвиқот ишларини намунали олиб боришлари зарур эди. Шубҳасиз бу кўнгилсиз воқеа Республика Соғлиқни сақлаш Вазирлигидаги мутасаддиларни ҳам бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Аҳмаджон ЙЎЛДОШЕВ,
Наманган вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси ходими

МАЖМУА БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Касби тумани Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалигидаги оромгоҳда 950 қатновга мўлжалланган спорт мажмуаси қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Косондаги "Қуриққурилиш" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли еттинчи механизациялашган шўъба корхонаси қурувчилари томонидан барпо этилаётган мазкур иншоотда машғулотлар зали, ювиниш, даволаш хоналари, ошхона ёшлар хизматида бўлади.

-Оромгоҳда футбол, баскетбол майдонлари, теннис корти, ёпиқ чўмилиш ҳавзаси қурилиши режалаштирилган,-деди шўъба корхона муҳандиси Зокир Шаропов "Туркистон-пресс" мухбирига.- Ҳозиргача 32 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Спорт соғломлаштириш мажмуасини келгуси йили Наврўз байрамида фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Шунинг учун ҳам ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. 2005 йилгача биргина Касби туманининг ўзида ўнта стадион, олтита спорт зали, иккита сузиш ҳавзаси бунёд этиш режалаштирилган.

"Туркистон-пресс"

Демократик ҳуқуқий давлат сари

Саволларингизга ҳуқуқшунос Насиба Тиллаходжаева жавоб беради

САВОЛ: ходимларни ишга қабул қилаётганда синов муддати қандай ҳолларда қўлланилади?

Н.ТОЖИЕВА, Чирокчи тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 85-моддасининг биринчи қисмига кўра дастлабки синов муддати 3 ойдан ошмаслиги белгилаб қўйилган. Синов муддатининг уч ой доирасидаги аниқ муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги ўзаро келишувга кўра белгиланади. Бинобарин, агар тарафлар ишга синов билан қабул қилиш тўғрисида ахдлашсалар, ундай ҳолда меҳнат шартномасида синовнинг аниқ муддати кўрсатилиши керак.

Меҳнат шартномаси тарафлари ишга қабул қилишда синов тўғрисида келишувга эришмаган тақдирда (масалан, ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ходимни синов муддати билан ишга қабул қилишни хоҳласа, ходим эса синовсиз ишга киришни талаб қилса ёки шартнома тарафлари синов муддатининг аниқ давом этиши тўғрисида келиша олмасалар) меҳнат шартномаси тузилмайди.

Амалдаги қонун ҳужжатлари фақат меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки синов белгилашни назарда тутади. Бинобарин, меҳнат шартномаси ўзгарганда (бошқа ишга ўтказилганда, меҳнат шароитлари ўзгарганда, иш жойи ўзгарганда) ва бошқа вазиятларда (ишга қабул қилишдан ташқари) синов белгилаш, ҳатто ходимнинг розилиги бўлган тақдирда ҳам мумкин эмас. Чунки бу қонунга нисбатан ходимнинг аҳволини ёмонлаштиради ва Меҳнат Кодексининг 5-моддаси кучига кўра ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши зарур.

САВОЛ: мен касб касаллиги бўйича II гурух ногиронман. Қандай имтиёзлардан фойдаланишим мумкин? Молмулк солиғидан озодманми? Шулар тўғрисида тушунча берсангиз.

У.НЕЪМАТОВА, Қорақўл туман «Зиёрат» ширкат хўжалиги

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 59-моддасига асосан I-II гуруҳ ногиронлари, ногиронлик сабабларидан қатъий назар, агар улар меҳнат фаолиятини давом эттираётган бўлсалар даромад солиғидан қисман озод этиладилар, яъни ҳар бир тўлиқ ой учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида, ойлик маошнинг қолган қисми белгиланган ставка миқдорида солиққа тортилади. Бундан ташқари ишлаётган I-II гуруҳ ногиронлари пенсияларини тўлиқ миқдорда оладилар.

Солиқ Кодексининг 93-моддасига биноан I-II-гуруҳ ногиронлари молмулк солиғидан, шунингдек, мазкур Кодекснинг 102-моддасига асосан ер солиғидан ҳам озод этиладилар.

Саволларингизга Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳуқуқшуноси Аҳмаджон Эшонқулов жавоб беради

САВОЛ: ноқулай меҳнат шароитида ишлаётган ишчиларга белгиланган муддатидан олдин пенсияга чиқиш ва бошқа моддий имтиёзлар белгиланган. Бу имтиёзлар гуруҳида ёнилғи қуйиш шохобчаларида ишлаётган операторлар ҳамда бензокаш, тепловоз ҳайдовчилари зарарли иш шароитида узлуксиз бир лавозимда кўп йил ишлаганларнинг 5 йил олдин пенсияга чиқиши кўрсатилганми?

Г.ҚУЛТЎРАЕВА, Қумқўрғон тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 май 250-сонли қарори билан тасдиқланган имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқариш муассасалари, ишлар, касблар, лавозимлар кўрсаткичларининг 3-рақамли рўйхати 1-қисмига мувофиқ тепловоз ҳайдовчилари шу соҳада 12 йилу 6 ой ишлаган бўлсалар умумий иш стажи 25 йилдан кам бўлмаган ҳолда фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонуннинг 12 -моддасига асосланиб муддатидан 5 йил олдин ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Ёнилғи қуйиш шохобчаларида ишлаётган операторларга эса ушбу имтиёз назарда тутилмаган.

САВОЛ: мен 1941 йилда туғилганман. 1986 йили 6 ойлик Чернобл ҳалокати оқибатларини тугатишда қатнашганман. Шу сабабли III гуруҳ ногиронлиги олганман. Ўтган йиллар мобайнида барча имтиёзлардан фойдаланиб келдим. Бироқ кўмир ёқилғиси билан таъминланмадим. Агар кўмир бериш имконияти бўлмаса унинг ўрнини қоплайдиган миқдорда пул берилиши керакми?

А.ПОЛВОНОВ, Наманган вилояти.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1992-йил 7-апрелдаги 170-сонли қарорига асосан биз III гуруҳ Чернобл ҳалокатини тугатишда қатнашган ногирон сифатида ҳар йили бир марта ички имкониятдан келиб чиққан ҳолда кўмир ёқилғиси билан таъминланишингиз керак. Сиз албатта туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилинг. Лекин кўмир бўлмаган тақдирда унинг ўрнини қоплайдиган миқдорда пулини бериш қонунда назарда тутилмаган.

Дўстлик туманидаги 21-сонли автокорхона аъзолари айниқ пайтда пахта йиғим-терими мавсумида фаол қатнашмоқдалар. 11 та машина билан «оқ олтин» ҳосили манзилларга ўз вақтида етказилмоқда. Бу ишда, шунингдек, Жиззах, Андижон ва Самарқанд вилоятларидаги автокорхоналарнинг транспорт воситалари ҳайдовчилари ҳам кўпчиликка намуна бўлишаяпти.

Суратларда: автокорхона бош муҳандиси Э.Чиманов (ўртада) ҳайдовчилар билан суҳбатда; ўз касбини устаси Б.Нурматов.

Н.БЎРИЕВ олган суратлар

ХЎЖАЛИКДАН ХОРИЖГА

Тўрақўрғон туманидаги «Соҳилобод» ширкат хўжалиги асосан узумчиликка ихтисослашган. Бу ерда ҳар йил неча юз тонналаб маҳсулот аҳоли дастурхонига тортиқ этилади. Кейинги йилларда хўжаликда узумни қайта ишлаш сохасида қувончли натижаларга эришиляпти. Кўп жойларда узумдан кўнгилдагидек ҳосил олинмаган бу йилги шароитда ҳам бу ерда йил дуруст якунланмоқда. 634 гектар ердаги токзорда етишган ҳосил бугунги кунда икки йиғув пункти ва узумни қайта ишлаш, вино қадоқлаш цехида тайёр маҳсулотга айлантирилмоқда. Хўжалик билан Россиянинг Барнаул шаҳридаги фирмалар ўртасида 100 минг АҚШ доллари қимматида вино маҳсулоти етказиб бериш бўйича шартнома тузилган.

Ж.ОБИДОВ

ҚЎШМА КОРХОНА

Мамлакатимиз пойтахтида «DESK-INVEST» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси очилди. У металлчерепица, профнастил ва том ёпиш учун турли материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Қўшма корхона низом жамғармаси 4 миллион 940 минг АҚШ долларини ташкил этади. Янги қўшма корхонани Ўзбекистон томондан - Тошкент шаҳри ҳокимлиги, «Osiyo granit» масъулияти чекланган жамият ва «Qurilishbutlashxizmat», чет эл томондан - Австриянинг «Desk Marketing Service GmbH» ва АҚШ фуқароси Марк Хушманд таъсис этди.

Корхонанинг ишлаб чиқариш цехи Финляндияда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Қўшма корхона йилига 6 минг тонна рухланган тунукани қайта ишлашга мўлжалланган. Бир сменада 5000 квадрат метр металлчерепица ва 15000 квадрат метр профнастил ишлаб чиқарилади.

ОЛТИ КУНДА ЯРИМ МИЛЛИОН

Навбаҳор туманидаги Арабхона қишлоғида яшовчи Акрам ака Ражабов оила аъзолари билан ҳар йили «Истиқлол» ширкат хўжалиги далаларида пахта теради.

Бу йил етиштирилган мўл ҳосил теримчилар ғайратини ошириб юборди. Мақсуда, Маҳфуза, Муҳайё ва Акрам Ражабов мавсумнинг биринчи ҳафтасида 16 тоннадан ортиқ пахта териб, 500 минг сўм олди.

(ЎзА)

ҚИШ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Вилоят ҳокимлигида қишки мавсумга тайёргарлик масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Б.Рўзиев бошқарди.

Вилоятда куз-қиш мавсумига тайёргарлик анча барвақт бошланди. Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот», «Электрокимё», «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамиятлари, бошқа кўпгина саноат, қурилиш ва транспорт ташкилотларида қишга пухта ҳозирлик кўрилди. Навоий, Зарафшон шаҳарларида катта ҳажмда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Вилоятдаги 1 минг 743 газ тақсимлаш қурилмаси таъмирланди.

Ютуқлар билан бирга ечимини тополмаётган муаммолар ҳам анчагина. Масалан, Навоий давлат иссиклик электр станциясидаги қишга тайёргарлик ишлари талабга жавоб бермайди. Корхонадаги асбоб ва ускуналар эскирган, янги техниканы ўрнатиш чўзилиб кетмоқда.

Шу билан бирга Учқудуқ, Томди, Навбаҳор, Нурота, Хатирчи, Навоий туманларида иситиш тизимларини тайёрлашда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Узоқ ва тоғли ҳудудлардаги умумтаълим ва даволаш-профилактика муассасаларига белгиланган миқдорда ёқилғи етказиб бериш ҳамон ниҳоясига етгани йўқ.

Йиғилишда шаҳар ва туман ҳокимларига, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларига мавсумга тайёргарлик ишларини 1 ноябргача ниҳоясига етказиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

(ЎзА)

КИМ ОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2003 йил 27 ноябр, 4,11,18,25 декабр кунлари ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

1.Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Гулистон-Тошкент» трассасида жойлашган «Автокемпинг» мажмуаси.

Бошланғич баҳоси - 2 027 600 АҚШ доллари.

2.Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманида жойлашган «Саримой» автокемпинги.

Бошланғич баҳоси - 764733 АҚШ доллари.

3.Қашқадарё вилояти, Китоб шаҳри, «Қарши-Самарқанд» трассасида жойлашган Шаҳрисабз нефьт базасининг Китоб филиали.

Бошланғич баҳоси - 839500 АҚШ доллари.

4.Тошкент шаҳри, Сирғали туманида жойлашган 87 сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (87-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси - 15792,9 АҚШ доллари

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизини тўлаши шарт.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Ким ошди савдолари агентлиги»га мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3 қават, 44,8 хоналар.

Маълумот учун телефонлар: 136 26 26, 136 28 75 Факс: 136 06 17

БИР ЙИЛДА ЎН УЧ ЧЕМПИОН

Тошкент туманидаги спорт-соғломлаштириш мажмуасида бўлиб ўтган Турон яккакураши бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионатида икки юзга яқин ўсмир қатнашди. Туманнинг ўн уч спортчиси мусобақада энг юқори ўринни эгаллади.

- «Биз тероризм ва гиёҳвандликка қаршимиз» шиори остида ўтказилган турнирда спортчилар ёшига қараб уч гуруҳга бўлиниб беллашди,- дейди тумандаги 2-спорт мактаби директори Турдош Усмонов. - Бу баҳсларда ўн уч ўқувчимиз ғолиблиқни қўлга киритди.

Спорт мактабида етти юзга яқин ўғил-қиз спортнинг етти тури билан шуғулланади. Улар учун бу ерда барча шароит яратилган.

(ЎзА)

Меҳнат муҳофазаси

Меҳнатнинг завқли бўлиши учун нималар керак? Бу саволга жавоб бериш унчалик мушкул эмас. Ойлик маошлар вақтида бериб турилса, ишлаб турган жамоанг сени қўллаб-қувватласа, қувонч ва ташвиларингга шерик бўлса ва ниҳоят, хавфсиз меҳнат тизими яратилса. Бу ақидани «Тошкентлакбўёқзаводи» масъулияти чекланган ҳиссадорлик жамиятининг қўшма корхонасида яхши тушунишади. Бу ерда тайёрланаётган 15 хилдан кўпроқ маҳсулотлар – лак, эмал, турли бўёқлар мамлакатимизнинг турли жойларида очилган дўконларда сотилади. Уларнинг фақат ички бозорда эмас, хорижда ҳам харидорлари бисёр.

ИШЧИ УЧУН

ҳимоя воситаси

Корхонада ишлайдиган 847 нафар кишининг 497 нафари зарарли иш шароитларда меҳнат қиладилар. Шу боис жамоа шартномаларини тузишда маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси завод ходимлари меҳнатининг муҳофазасига алоҳида эътибор берадилар. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига 24 миллион 120 минг сўм сарфланди. Ишчиларга бериладиган махсус таомлар учун 4 миллион 991 минг сўм ажратилди. Махсус коржомалар ва пойафзаллар учун 19 миллион 129 минг сўм кетди. Ишдаги филтрлар, эшитгичлар, қўлқоплар, кўзойнаклар ва бошқа шахсий ҳимояда керак бўладиган ашёлар ҳам шулар жумласига киради.

– Ташвишнинг олдини олган яхши, зеро, ноҳушликдан кейинги афсус-надоматлар ортиқча бўлади, - дейди завод касаба қўмитаси раиси Шуҳрат Тожиев. – Шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш ишнинг ярми, дейиш мумкин. Мавжуд ишлаб чиқариш воситаларининг созлигини доим кузатиб туриш, меҳнат ва техника хавфсизлиги талабларига риоя этиш кўнгилдагидек натижа беради. Ёруғлик, ҳавонинг мусаффолиги, сув, шовқин-сурон белгиланган меъёрда бўлиши лозим. Уч босқичли назорат журналининг юритилиши корхонада учрайдиган камчиликларни тезликда тузатиш ва хавфсиз шароитларда меҳнат қилиш имкониятини яратади.

Ш.Тожиевнинг фикрича, ишчиларнинг ўз мажбуриятларига муносабати алоҳида эътиборга лойиқдир. Шунинг учун янги келган ишчиларга дастлабки тушунтириш ишлари олиб борилади. Барча ишчиларнинг техникавий ва меҳнат муҳофазасига тааллуқли билимлари ҳамиша текшириб турилади. Касаба қўмитасининг ташаббуси билан ҳар ойда корхонада Хавфсизлик куни ўтказилади. Бу жараёнда кўнгилсизликларни вужудга келтирадиган ҳолатлар таҳлил этилади, маслаҳатлар берилади, тажрибалар алмашинади.

– Минг қатла шукрким, бу йил бизда биронта ҳам ишлаб чиқаришда нохушлик рўй бермади, - дейди гапида давом этиб Ш.Тожиев, – Майиб-мажруҳликлар деярли учрамади. Шифокорларимиз ҳам ҳамиша ўз малакаларини ошириб боришади. Улар санитария бўйича республика илмий текшириш институти ходимлари ҳамда бошқа мутахассислар билан биргаликда тозалик ва юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини лозим даражага кўтармоқдалар. Жумладан, бир ой муқаддам бутун жамоамиз флюорографик кўрикдан ўтказилди. Санитария лабораторияси эса ҳар куни маълум иш жойларини тозалик, ҳаво мусаффолиги, сув сифати бўйича текшириб туради. Лозим бўлиб қолса, керакли чоралар кўрилади. Боз устига ишчиларнинг ўзлари ҳам дарахт ниҳолларини ўтқазиш, гулзорлар барпо этиш, ҳашарлар ташкил этишдан четда турмайдилар. Бу ердаги дарахтларда олмахонларнинг яйраб юрганлиги ҳам бу жойда экологик муҳит кўнгилдагидек эканлигидан далолат беради.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитларида завод жамоаси мураккаб вазифаларни ҳал қилмоқдалар. Бунда улар хавфсизлик ҳамда меҳнаткашлар саломатлигини сақлашга кетадиган сармояларни аямайдилар. Шу йилнинг ўзида корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчилар учун дам олиш уйларига йўлланмалар берилди. 19 та имтиёзли йўлланмалардан 2 таси эса ишламайдиган ветеранларга, қолганлари эса меҳнат зарбдорларига тарқатилди. Ишчилар корхона ошхонасидаги арзон, лаззатли таомлардан, дам олиш хоналари, цехлардаги ювиниш хоналарида яратилган шароитлардан жуда мамнун бўлмоқдалар.

– Ишчининг корхонадаги ҳаёти ўнлаб икир-чикирлар билан боғлиқ бўлади, - дейди ўз фикрини якунлаб Ш.Тожиев. – Ана шу икир-чикирларни ҳамиша назардан қочирмай, уларни инсон омилига қаратиш осон эмас. Бунинг уддасидан чиқилган жойда эса муваффақиятлар ҳам арзигулик бўлади...

М.ВЕЛИЕВА

ФОТОАЙБНОМА



Ҳозирги кунда пахта тозалаш корхоналарининг ишчи-хизматчилари ҳам масъулиятли дамларни бошдан кечиришмоқда. Улар қадоқўл деҳқонлар фидойи меҳнати эвазига етиштирилган пахталарни қайта ишлаб, сифатли тола олиш учун барча имкониятни ишга солишмоқда. Равшанки мақсадга эришишда ишловчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим рол ўйнайди.

Бироқ Каттақўрғон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида ишчи-хизматчиларнинг унумли ишлаш, кўнгилли дам олишлари учун лозим даражада меҳрибонлик кўрсатилмаяпти. Тиббиёт пункти, дам олиш хоналари ишламайди. Маиший тадбирлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Ушбу фотоайбномада Каттақўрғон, Зирабулоқ ва Зиёвуддин пахта тозалаш корхоналаридаги кўнгилсиз аҳвол акс эттирилган.

Ш.САРИЕВ олган суратлар

ФИКР-МУЛОҲАЗАНГИЗНИ КУТАМИЗ!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон телевидениеси, радиоси ҳамда оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштириш орқали халқимизни касаба уюшмаларининг бугунги кундаги серқирра фаолияти билан янада чуқурроқ таништириш, кўпчиликнинг республикадаги энг оммавий жамоат ташкилоти ҳақидаги одилона фикрлари, таклиф-мулоҳазаларини яқиндан ўрганишни мақсад қилди. Унда мутасадди раҳбару мутахассислар, тармоқларнинг ходимлари иштирок этиб, касаба уюшмалари бугунги кунда қандай муқаддас ташвишлар билан яшаётганлиги, бозор шароитида унинг олдида турган асосий мақсад-вазифалар, хусусан, меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, айниқса, ишловчи аёлларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат жамоаларида маънавиятни юксалтириш билан боғлиқ масалаларда кўрсатилаётган беминнат ёрдам кабиларга алоҳида эътибор қаратилади.

Шу боис, «Давра суҳбати» олдидан шуни маълум қиламизки, касаба уюшмалари фаолияти билан боғлиқ ўзингизни қизиқтирган барча саволларни 2003 йил 14 октябрдан 25 октябргача Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қабулхонасига ёзма равишда – Тошкент 700165, Бухоро кўчаси 24-уй, 2-қават, 21-хона манзили бўйича, оғзаки тарзда эса 56-48-81, 56-87-74 телефон рақамлари орқали йўллашингиз мумкин.

Эслатиб ўтамиз, касаба уюшма мутахассислари барча саволларингизга яқин кунлар ичида зангори экран орқали бўлиб ўтадиган «Давра суҳбати»да атрофлича жавоб берадилар.

Фикрлар, таклиф-мулоҳазаларингизни кутамиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот маркази

МУБОРАК ЮРТ

Кимгадир қасд қилмоқ бу менга ётдир,
Тошга айланмоқлик келмас қўлимдан.
Дўст ва юртни севиш дилга нажотдир,
Иснодга қолмоқлик ёмон ўлимдан.

Турли балолардан асра Оллоҳим,
Ўзинг сақлагайсан бу хонумоним.
Менинг ҳаётдаги ёлғиз паноҳим –
Сен ўзинг эрурсан, ўзинг имоним.

То қалбга сен экан ҳокими мутлоқ,
Яшашга ҳаққим бор бу ҳур бўстонда.
Қадим-қадимлардан виждони уйғоқ,
Одамлар яшаган Ўзбекистонда.

БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

Яшаб бахт излаймиз, омад кўзлаймиз,
Кўнгилнинг орзуси тугамас экан.
Оғриқни унутиб, роҳат излаймиз,
Хаёлан баландга қурамиз макон.

Киндик қонинг илк бор тўкилган қишлоқ,
Дилга чексиз илҳом, бахт-иқбол бергай.
Қайга олиб кетсанг бир сиқим тупроқ,
Не-не балолардан асраб ҳам юргай.

Сахий шу тупроққа содиқ бўлсанг гар,
Бахтингнинг кулгани бир умр, ўғлон.
Қайда хиёнатга қўл урсанг агар,
Сенинг бу Ватанни севишинг ёлғон.

Ватансиз уйғонмас кўнгилда ғурур –
Қуриган дарёдай сўлигай боғинг.
Инсонга не керак, она-юрт берур,
Шу Ватан ҳар куни суянар тоғинг...

Юрт қадрини ундан айролар билмас,
Бағрига босмайди ётларни Ватан.
Ўлсанг ҳам ҳали бу ўлим ўлиммас,
Шу азиз тупроққа кўмилмаса тан.

Назм бўстонида

* * *

Нур сочади ҳатто оёқларингга,
Канда қилмас ушбу касбу корини.
Қўшиқ айтар сенинг қулоқларингга,
Нурга белаб офтоб дилда борини.

Онангдай туну кун парвона бўлар,
Неча қоқилсанг ҳам силар бошингни.
Онанг гар ўтса ҳам ёнингда қолар,
Нур билан артади кўздан ёшингни.

Ўшандай меҳрибон бўлиб кўр, дўстим,
Қуёшдай бағри қон бўлиб кўр, дўстим.

ЎЗГА ЙИҒЛАМАС

Севиб ташлаб кетса ёлғончи ошиқ,
Сиз йиғламасангиз, ўзга йиғламас.
Очилмай қолса гар сиз кирар эшик,
Сиз йиғламасангиз, ўзга йиғламас.

Ҳижрон кўксингизга қуласа агар,
Уят юзингизни қора қилса гар,
Ёлғон дилингизга солса гар ғубор,
Сиз йиғламасангиз, ўзга йиғламас.

Айрилиқ зарбидан юракда оғриқ,
Боғлар ҳам шип-шийдам, бефайздир борлиқ,
Ўлмаган одамга шунчалар хўрлик,
Сиз йиғламасангиз, ўзга йиғламас.

Аввал жондан севиб, сўнгра тарк этса,
Беғубор туйғунинг бошига етса,
Ишонч дунёнгизга ўт қўйиб кетса,
Сиз йиғламасангиз, ўзга йиғламас.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ

ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Обод маҳалла йили

ДУНЁ БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Республика болалар бадиий ижод марказида ёш рассомларнинг кўргазмаси очилди. Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу кўргазма Обод маҳалла йилига бағишланган.

Кўргазмада намойиш этилган 40 дан ортиқ расмларда Ватанимиз манзаралари, маҳалла ҳаёти, бахтли болалик, ёш авлоднинг орзу ва истаклари акс эттирилган. Болаларнинг дунёни ўзига хос тарзда идрок этиши бу ерга ташриф буюрганларни бефарқ қолдирмайди. Кўргазма 29 октябргача давом этади.

ЎзА

Обида

Косонсой фақат Наманган вилояти ёки Ўзбекистондагина эмас, умуман, Марказий Осиёдаги энг қадимий аҳоли масканларидан бири. Ўзбекистон билан қўшни Қирғизистон чегарасидаги баланд тепалик узоқ ўтмишдан ҳикоя қилади. Қадимий қалъа қолдиқлари, бугунги кунда тошга айланган деворлар Искандар Зулқарнайн босқини даври асорати эканлиги аллақачон ўзининг илмий исботини топган. Якинда тасодифан яна бир ана шундай мўъжизалардан бирига дуч келдик...

КОСОНСОЙНИНГ ЕР ОСТИ МЎЪЖИЗАСИ

Вилоятнинг дам олиш масканларидан саналган туман маркази яшилликка бурканган ва оромбахш. Соя-салқин ишқибозлари кўпинча шу тарафга қараб ошиқишади. Сабаби шаҳар ортидан бошланган ва бир неча юз чақиримлардан сўнг осмонўпар тоғларга уланган Қоратоғ этакларидан шилдираганича Косонсой оқади. Унинг биллурдек тип-тиниқ сувлари олисларда кумушсимон қорлар жилва қилаётган тоғ чўққиларидан ҳосил бўлади. Қаёққа қараманг, боғлар... Сойнинг шаҳар марказидан ўтган қисмининг ҳар икки соҳилида, қуруқ дарахтлар соясида чойхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари. Жумладан, кўплар қатори биз ҳам сой тўлқинлари қирғоққа урилаётган жойда табиатнинг ажойиб кўринишидан баҳра олиб чойхўрлик қилишарканмиз, сойнинг нариги бетидаги тепалик тупроқлари орасидан кўкка урилаётган билинар-билинмас тутун эътиборимизни тортди.

- Сизларда тупроқ остидаям одамлар яшайдими? - сўради шерикларимиздан бири ярим ҳазил-ярим чин оҳангида маҳаллий ҳамкасбимиздан.

Мезбон эса жиддий туриб жавоб қайтарди:

—Бу ерда шаҳримиз мўъжизаларидан бири - ер ости ҳаммоми жойлашган.

— Ер остидаям ҳаммом бўларканми? - Бошқа шеригимиз илжайди.

— Бизда бор. Айтишларича, қадимий, қурилганига икки юз эллик йилдан ошган, дейишади қариялар.

... Дарҳақиқат, мана икки ярим асрдан буён ушбу ҳаммом халқ хизматида. Мазкур ноёб иншоот тозалик, покланиш макони бўлибгина қолмасдан, ўзининг шифобахшлиги билан ҳам бошқа ҳаммомлардан фарқ қилади. Таъкидлашларича, жуда кўп касалликларга чалинганлар шу ерда шифо топишган.

Унинг шифобахшлигини ўзига хос меъморий услубда қурилганлиги билан боғлашади. Зеро, ҳаммомнинг буғхона, иссиқхонаси, ювиниш хоналари, иссиқ сув қозонлари ҳам ер остида жойлашган. Ер юзасида эса иншоотнинг тўрт гумбази ва тутун чиқиш йўллари кўзга ташланади, холос. Унинг бўлимларини, айниқса, иситиш йўлларини кўздан кечираркансиз, аждодларимизнинг нақадар чуқур меъморий билимларга эга бўлганликлари, мураккаб муҳандислик ва меъморий муаммолар ечимини зукколик билан топганликларини кўриб қойил қоласиз. Айни пайтда бу мураккаб иншоотнинг шунча вақтдан бери ҳеч қандай таъмирланмасдан хизмат қилиб келаётганлиги кишини ҳайратга солмасдан қўймайди.

Ўтхона ҳаммомнинг жанубий қисмида — бинонинг остида жойлашган бўлиб, ёқилган олов 41 та асосий ер ости мўрилари орқали 15-20 метр узоқда жойлашган асосий мўридан ташқарига чиқиб кетади. Ҳаммом ер остида жойлашганлигидан унинг ягона кириш эшигигина бор холос. Бошқа биронта на эшик, на дераза бор. Хўш, ёруғлик қаердан тушади? Ахир ўтмишда электр бўлмаган-ку? Қарангки, ёруғлик барча хоналарга ер устига чиқиб турган гумбазларнинг ўртасида жойлашган доирасимон равзанадан тушар экан ва тўрт томонга тенг тарқаларкан. Тага бардош бериб келаётганлиги сири нимада эканлиги ҳам ўйлантиради кишини. Афсуски, бу масала мутахассислар томонидан ҳали ўрганилмаган.

Ҳаммом қачон ва ким томонидан қурилганлиги ҳам аниқ ёзма маълумотларда мавжуд эмас. Лекин айрим тарқоқ маълумотлар ва халқ ўртасида сақланиб келаётган баъзи ривоятларга қараганда, ушбу иншоот шаҳардаги машҳур «Жомеъ» масжиди билан бир даврда қурилган.

Ҳаммом қадимий меъморчилик услубида бунёд этилган бўлиб, кам ёқилғи сарфланган ҳолда иситишга мўлжалланган. Асосий ёқилғи сифатида кўчаларни супуриб тўпланган хазон ва ҳашаклардан фойдаланиш кўзда тутилган. Айтишларича, бир марта яхшилаб қиздирилса, ўз ҳароратини бир ҳафта мобайнида сақлаб турган. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида ҳаммом таърифини эшитиб, уни кўриш учун Австриядан келган бир гуруҳ хорижий қадимшуносларнинг ҳаммомнинг иситиш йўлларини ўрганиш жараёнида унинг ўтхонасига қўл теккизиб бузиб қўйишган. Натижада ҳаммом ўзининг кам ёқилғи сарфлаб иситиш қобилиятини йўқотган. Ҳозирда ҳам фаолият кўрсатаётган ушбу ҳаммом ўтмиш авлодимиз маданияти ва меъморчилик қобилияти қанчалик юксак бўлганлигидан далолатдир.

Абдувоҳид НУРИДДИНОВ, тарихшунос

Ўзингизни синаб кўринг

ФУТБОЛ — ТЕСТ

1. 1986 йилги Жаҳон чемпионати финалидаги ҳал қилувчи тўп муаллифини эслай оласизми?
A) Хосе Луис Браун
B) Хорхе Вальдано
C) Диего Марадона
D) Игор Беланов

2.«Олтин бутси» совринининг илк соҳиби (1968) ким?
A) Эйсебио
B) Жеков
C) Герд Мюллер
D) Бест
E) Скоблар

3. «Аср голи» ни ўтказиб юборган дарвозабон?
A) Фабиен Бартез
B) Лев Яшин
C) Отар Габелия
D) Пат Женнингс
E) Ринат Дасаев

4. «Футбол қироли» Пеленинг қўлидан кубок олган ўзбек футболчиси ким?
A) Абдураимов
B) Иноятов
C) Убайдуллаев
D) Қосимов
E) Ан

5. Қуйидаги футболчилардан қайси бирида иккита қитъа олтин медали бор?
A) Али Дайи
B) Қосимов
C) Наката
D) Бум Кун Че
E) Шквирин

6. 1995 йилги дунёнинг энг яхши футболчиси ким?
A) Жорж Веа
B) Маттеус
C) Роналдо
D) Роберто Баджо
E) Абеди Пеле

7. Коте Махарадзе ким эди?
A) Мураббий
B) Ҳакам
C) Шарҳловчи
D) Дарвозабон
E) Футболчи

8. «Фенербахче» клуби номи нимани англатади?
A) «Фонтанли боғча»
B) «Фанатлар барпо этган боғ»
C) «Чироқли боғча»
D) Клубнинг биринчи эгаси исми шундай бўлган

9. 2001 йил Ўзбекистоннинг энг яхши футболчиси ким?
A) Миржалол Қосимов
B) Николай Ширшов
C) Леонид Кошелев
D) Азамат Абдураимов
E) Бахтиёр Ашурматов

10. 1999 йил дунёнинг энг кучли футболчиси ким?
A) Зидан
B) Рональдо
C) Бекхэм
D) Ривалдо
E) Титов

Ним табассум

УЙҚУ ДОРИ

Бемор врачга:

– Мен ҳар куни 2-3 соат керагидан кеч тураман, ишга кеч қоламан, бошлиқдан роса гап эшитаман. Менга бирор дори берсангиз, вақтлироқ турадиган бўлсам...

Врач дори ёзиб берибди. Уни ичиб олиб, уйқуга кетган одам бир вақт уйғониб қараса, соат ҳали 7 бўлишига анча бормиш. У турибди, бемалол ювинибди, нонушта қилиб ишга кетибди ва ишхонага биринчи бўлиб етиб борибди. Дарров бошлиққа кўриниб мактанибди:

– Зўр дори экан. Роса қотиб ухлабман-у, яна вақтли турибман...

– Табриклайман. Лекин кеча кун бўйи қаерда эдингиз?

ГУВОҲНОМА

ГАИ инспектори машинани тўхтатиб, рулда кетаётган ҳайдовчининг ҳужжатини узоқ текшириб қолибди.

– Нима бало, «сотиб олган», – деб ўйлаяпсизми? Адашасиз, биродар,-дебди ҳайдовчи аччиғи чиқиб.- Туғилган кунимга совға қилишган.

СОАТСИЗ КУЁВ

Кўпеда йигит билан қария бирга кетишяпти. Йигит сўрабди:

– Соат неча бўлдийкин, билмайсизми?

Қария индамай, орқасини ўгирганича уйқуга кетибди. Эрталаб уйғонгач дебди:

– Мулла йигит, соатни сўровдингиз. Ҳозир саккиз ярим бўлди...

– Нега энди кеча айтмадингиз?

– Мен-ку кеча айтардим, лекин сиз кейин «Йўл бўлсин?» дердингиз, мен Тошкентга дердим, сиз «Мен ҳам ўша ёққа кетаяпман, лекин шаҳарда қўнадиган жойим йўқ» дердингиз. Мен, албатта, раҳмдил одам сифатида сизни уйга таклиф қилардим. Менинг бўйи етган қизим бор, сиз албатта, уни йўлдан урардингиз. Кейин унга уйланишингизга тўғри келарди.

– Хўш, уйлансам нима бўпти?

– Соати йўқ қуёвни бошимга ураманми?

ЭҲТИЁТ ЧОРА

Бир эркак ресторанга кириб, ўн қадаҳ ароқ буюрди, уларни қатор қўйидида, биринчи ва ўнинчи қадаҳни қолдириб, қолганини ичиб юборди. Сўнг кетишга отланди. Официант ҳайрон бўлиб сўради:

– Нега бу икковини ичмадингиз?

– Биласизми? – деб жавоб берди эркак. –Биринчиси ҳаммавақт жуда қийинчилик билан ўтади. Охиргиси эса ортиқчалик қилади.

«ОЛТИН КУЗ» ЧАЙНВОРДИ



1.Сермой кузпишар қуруқ мева. 2.Кузги тенг кунликда ўтказиладиган қадимий байрам. 3.Нокнинг ширин рангдор йирик нави. 4.Узумзор кўрки, мослама. 5.Дуккакли экин тури. 6.Кузги ер ҳайдаш. 7.Олманинг қишки сақланадиган, ширин, хушбўй нави. 8.Дуккакли экин. 9.Бино ва иншоотларни қишга тайёрлаш, тузатиш ишлари. 10.Ўсимлик танаси қисми. 11.Йилнинг кеч куз даври. 12.Тузланадиган полиз экини. 13.Қуруқ мева. 14.Маккажўхорининг донсиз ўзаги. 15.Шамсия йил ҳисобидаги куз ойларидан бири. 16.Мевазор, гулзор маскан. 17.Ҳосил уюми. 18.Дала маликаси номини олган донли экин. 19.Совуқ, кучли шамол. 20.Шифобахш ҳосили кузда пишадиган тоғ атиргули. 21.Пояси узун ранг-баранг очиладиган, илдизи туганакли, куз гули. 22.Туксиз, силлиқ шафтоли нави. 23.Поясидан тола олинадиган техника экини. 24.Ватанимизда кўп етиштириладиган мой ва тола олинадиган ўсимлик. 25.Субҳидам, пайт. 26.Мулойим, майин ва ёқимли. 27.Оммавий йиғинларда ўтказиладиган азалий беллашув мусобақаси. 28.Аньанага айланган қовун сайлларида уюштириладиган баҳс. 29.Кузда ҳам ўтқазиладиган ёш дарахт. 30.Илдизмевали сабзавот. 31.Кўп истеъмол қилинадиган сабзавот.

Муаммонома

Очқич сўзлар:

1.Эрта тонг пайти – 10,13,5,11.

2.Хўл мева териб-йиғишда ишлатиладиган тўқима идиш – 10,2,7,2,1.

3.Серсув хўл мева – 4,6,8.

4.Ниҳоят даражада тиниқ, мусаффо сув таърифланадиган сифат – 9,3,12,6,12.

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларда яширинган муаммономани ҳал этиб, куз фаслига берилган таърифни билиб олинг.

Ф.ОРИПОВ тузди

Республика Миллий матбуот марказида ёш эстрада хонандаси Шаҳзоданинг шу йил 25 октябрда Халклар дўстлиги саройида «Бахт бўлади» деб номланган илк концертига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

«БАХТ БЎЛАДИ»

Сўнгги йилларда мамлакатимиз эстрада қўшиқчилигида кўплаб юлдузлар, номлар, гуруҳлар юзага келди. Эстрада ихлосмандларининг ёдларида бўлса, 1999 йилда «Жоним» гуруҳи ташкил этилган эди. Шу гуруҳнинг хонандаси Зилола Мусаева ўзига хос ижро услуби билан кўпчилик назарига тушди. Сўнг «Жоним» гуруҳи тарқалиб кетиб, Зилола «TARONA KONSERT» масъулияти чекланган жамият билан шартнома тузди ва «Шаҳзода» тахаллуси билан ижод қила бошлади. Ўтган йил унинг «Бор экан шаҳзода» номли альбоми сотувга чиқарилди.

Шаҳзода яккахон эстрада хонандаси сифатида кўплаб концертларда иштирок этиб келмоқда. У 2003 йилда - «Йилнинг энг яхши аёл қўшиқчиси ва энг яхши саҳна қиёфаси» йўналишида «TARONA» мукофотига сазовор бўлди.

«Туркистон-пресс»

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9060 Буюртма Г— 916. 1 3456